



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 52 (9.549) 2001 йил 4 май, жума Сотувда эркин нархда



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлати раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Россия халқаро майдонда нуфузи анча баланд давлатлар сирасига киради, — деди жумладан Президент. — Давлатлараро муносабатларда унинг катта салоҳияти ва имкониятларининг инобатга олиниши табиий. Бинобарин, у билан ҳамкорликни мустахкамлаш, турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни янги поғоналарга кўтариш Ўзбекистоннинг эртанги куни учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат халқро майдонга чиқди, қўлбал давлатлар билан кенг алоқаларни йўлга қўйдик. Айниқса, яқин шериғимиз саналган Россия билан ҳам алоқаларимиз барқарорлашди. Энди икки томон учун ҳам муҳим вазира ўзаро тенглик асосига қурилган мавжуд алоқаларни давлатларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада мустахкамлашдан иборатдир.

Бугун Ўзбекистонга жануб тарафдан таҳдид мавжудлиги қўлчиликка сир эмас. Президент Ислам Каримовнинг сўзларига қараганда, бу қалтис вазиятга эътиборсиз қараб бўлмайди. Мамлакатимизда, қолаверса, Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш аниқ пайтда энг долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Хавфсизлик борасида Россия билан ҳамкорликни кучайтириш, айниқса, унинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий имкониятларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Бу максадлар замирида халқимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги фаровон ҳаётини таъминлаш ётибди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмайпти. Утган йили ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич қудратли Россия ҳамда юксак тараққиёт сари оидмалаётган Ўзбекистон учун қамлик қилади. Мавжуд им-

кониятлардан тўла фойдаланилса, томонлар ушбу рақамни 2 миллиардга кўтариши ҳеч гап эмас, бунинг учун шароит бор, деб таъкидлади Президент.

Россия ҳукумати раислигига Владимир Путин тайинланганидан сўнг, Ўзбекистон — Россия муносабатларида янги саҳифа очилди, десак хато бўлмайди. В. Путин ўзининг давлат раҳбари сифатидаги ilk саворини юртимиздан бошлаши эса Россиянинг Ўзбекистонга қизиқшининг, қолаверса, уни ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори сифатида қадрлашининг яна бир исботи бўлди.

Ўзбекистон демократик Россия билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш тарафдори. Шу максадда ушбу давлат ташрифига пухта тайёргарлик қўрилди, янги режалар, янги ҳужжатлар устида ишланди. Айни пайтда давлатларимиз ўртасида 150 та ҳужжат имзоланган. Президентимизнинг Россия Федерациясига бу галги ташрифи чоғида яна ўн та ҳужжат имзоланиши кутулкимда. Жумладан, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли тўғрисида баёнот, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш бўйича шартнома, шунингдек, ҳарбий-техникавий, божхона ҳақида солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлар имзоланди.

4 май куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Россия Президенти Владимир Путин билан яқкама-яқка суҳбат қуради. Музокаралар сўнггида эса ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди. Шу куни давлатимиз раҳбари Россия ҳукумати раиси Михаил Касьянов билан ҳам учрашди.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

3 май, Москва. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Москвага етиб келди. «Внуково-2» аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Алексей Гордеев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ислам Каримов Кремлдаги расмий қароргоҳга жойлашди.

(ЎЗА).

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Қўшма корхона маҳсулотлари

Пойтахтимизда Россия Федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Пилунжер жуфтларини тиклаш ва ёнилги насосларини капитал таъмирлашга ихтисослашган «Улугбек-Прецизион», тиббиёт техникаси ва радио асбоблари ишлаб чиқарувчи «Ўз-Русс корпорейшн», газ плиталари тайёрловчи «Элга-Азия», пўлат сув-газ қувурларини ишлаб чиқарувчи «Ирмонтажкомплект» Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналари бугунги кунда муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Шаҳримизнинг Ҳамза туманида 1996 йилдан асосий фаолиятини бошлаган «Қанор» Ўзбекистон — Россия — Туркия қўшма корхонаси ҳам ҳамкорликнинг кўриниши бўлиб, йил сайин бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва тури қўлайиб бормоқда. Корхонада полипропилендан қоп-қанор-

лар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона цехлари Австриядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, йилгига ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари эвазига 12 миллион донана ана шундай қоплар тайёрланади. Маҳсулотнинг асосий буюртмачилари «Уздонмаҳсулот» корпорациясидир.

— Жорий йилдан бошлаб фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учунгина эмас, балки қурилмиш ва бошқа соҳалар учун ҳам техник қоп-қанорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона директори Суръат Бекбоев. — Шунингдек, яқинда яна бир цех очмоқчимиз. Бу цехга хориждан янги линия олиб келиб ўрнатимиз. Натижада яна 50 та қўшимча ишчи ўрни яратимиз. Мақсадимиз россиялик шериклар билан ҳамкорликни янада ривожлантириб, рақобатбардош ва зарур маҳсулот турларини ўзимизда ишлаб чиқаришдир.

Дилноза ФИЁСОВА

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

Фахрийлар эъозланади

Ҳаммамиз учун яна бир кутлуғ байрам — 9 Майда нишонланадиган Хотира ва Кадрлаш кунинида фахрийларимизга алоҳида иззат-икром кўрсатилади, уларга совға-саломлар улашилади.

Жумладан пойтахтимизнинг Миробод туманида истикомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши фахрийларини ҳам бири-бирдан ранг-баранг ва воқеаларга тўлиқ тадбирлар кутмоқда. Миробод тумани ҳокимлиги ва «Нуруний» жағмармасининг туман бўлими Хотира ва Кадрлаш куни муносабати билан улар қалбига қувонч бағишлайдиган тадбирлар ўтказишни режалаштирган. 9 Май арафасида Тошкент Давлат циркига уларнинг ташрифини, Ўзбекистон Куролли Кучлари музейига, Театурийлар тарихи Давлат музейига саёхат уюштириш улар жумласидандир. Мирободлик фахрийларга уларга керакли дори-дармонлар берилади, жуда ҳам муҳтож фахрийлар эса эшитиш аппаратларини, ногиронлик аравачаларини совға тариқасида олади.

Хўш, 9 май — Хотира ва Кадрлаш кунининг ўзида уларни қандай тадбирлар кутмоқда. Бу ерда шунини айтиш керакки, Миробод тумани ҳокимлиги иккинчи жаҳон урушининг барча фахрийларини ва меҳнат fronti қатнашчиларини байрам дастурхонига таклиф этади. Уларга тантанали равишда қимматли совға-саломлар улашилади. Саломатлиги боисидан шу куни байрам тадбирларига кела олмаганларга совға-саломлар уларнинг уйларига элтиб берилади.

Шу куни кечқурун Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри биносида Хотира ва Кадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбир ва концерт бўлади. Театр санъаткорлари фахрийларга томоша кўрсатишди.

(ЎЗ мухбиримиз)

XXI аср саҳоси

Барча маълумотлардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис раиси Э. Халилов олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2000 йил юзасидан ҳисоботини тинглади.

● **Ўртага** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловга тайёргарлик қириш ва уни ўтказишга бағишланган республика семинар-кенгаши бошланади.

● Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатининг қўмача йиғилиши Наманганда бўлиб ўтди. Унда ҳукумат томонидан тасдиқланган 1998-2000 йилларда Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ижроси таҳлил этилди.

● Нукусда бошланиб, Хевада давом этган икки кунлик илмий-амалий анжуман «Авесто» Урта Осиё халқлари маданияти тарихида» мавзусига бағишланди.

● **Кеча** буюк маънавий бойлигимиз «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган икки кунлик республика илмий-назарий анжумани ниҳоясига етди.

● Навоийда вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан «Маҳорат» ўқув маркази ташкил этилди.

● Самарқанд Давлат университетида Европа Иттифоқи таълим ва маданият бош дирекцияси таълим фонди комиссиясининг анжумани бўлиб ўтди.

● **Кеча** Маданият ишлар вазирлиги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида энг ижрочиларнинг Мухтор Ашрафий номидаги республика танлови яқунланди.



Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Ойбек Усмонов мазкур мамлакат Президенти Моше Катцавга ишонч ёрлигини топширди.

● **Бугун** Бокуга Тоғли Қорабоғ масаласи юзасидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Минск гуруҳининг америкалик ҳамраиси К. Кавано ташрифи бўлади.

● **Кеча** Эронда 8 июнь куни ўтиши мўлжалланган сайловларга президентлик номзодларини рўйхатга олиш бошланди. Таркибда уч аёл бор бўлган юздан ортик давogarлар орасида мамлакатнинг ҳозирги раҳбари М. Хотамийнинг ҳам номзоди бор.

● **Кеча** ГФР Федерал канцлиери Герхард Шрёдер Берлинда жойлашган янги расмий қароргоҳига кўчиб ўтди.

● 10-12 май кунлари Словакияда НАТОнинг бўлуси аъзолари раҳбарларининг учрашуви ўтказилди.

● Индонезия Президенти матбуот котибининг билдиришича Абдурахмон Воҳид мамлакат парламенти томонидан ўзига қўйилаётган айбловларни рад этди.

● Синхуа агентлигининг хабар беришича, Хитой ҳукумати Америка «Lockhead» компаниясининг беш нафар экспортга «EP-3» жосус самолётини кўздан кеңиришларига рухсат берди.

● Македония мудоффа вазири Любен Пауновски расмий истеъфого чикди.

● АҚШ Президентининг қизи Женин Техас штати қонун-қондаларига риёя қилмаганили учун судга қақирилди.

ҚИСКА

□ **БУГУН** Ҳамза туманида иқтидорли виларнинг «Кўшиқ байрами» кўрик-танлови ўтказилди.

□ **БУГУН** «Анҳор» қаҳвахонасида Юнусобод тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан туманда истикомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида Хотира ва Кадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** Маннон Уйғур номидаги санъат институтида машҳур раққоса Тамарахонимнинг хотира кеча-сига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** Сергели тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ва аёлларни ижтимоий мослаштириш маркази ҳамкорлигида Оналар ва болалар йили муносабати билан ҳуқуқий семинар ўтказилди.

□ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультетида талабалар уқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати Халқро матбуот эркинлиги кунига бағишланди.

□ **ЎТГАН** куни Собир Раҳимов туманидаги «Ониск» ҳиссадорлик жамияти клиникаси неғизда ташкил этилган хусусий шифохонанинг тақдимот маросими бўлди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Устоз» жағмармасининг ташаббуси билан таълим тизимида уқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган семинар бўлиб ўтди.

□ **ЎТГАН** куни футбол бўйича мамлакат X миллий чемпионатининг олимпиада жамоалари 9-тур учрашувларини ўтказишди. Пойтахт жамоалари бу сағар галабо қозонишди. «Трактор» — «Семур» 3:1, «Академия» — «Навбахор» 2:0.



Ғолибликка даъвогарлар кўп

Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўғрига тайдирларик тадбирлари орасидан касабга уюшмалари томонидан ўтказилаётган уч босқичли «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касабга уюшмалари кўмитасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг биринчи босқичи 2001 муваффақиятли якунланди.

Шуни айтиш керакки, кўрик-танловни ташкил этишдан мақсад қайта туғилган қадриятларимизни эъозлаш, тарихий анъаналар, мустақиллик туғайли ўзбекиона ва замонавий урф-одатларимизни шакллантириш, халқимизнинг ўзига хос бўлган фазилатлари, бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни аждрлардан қолган тарихий анъаналар ва она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий тафаккур фазилатларини шакллантириш, меҳнаткашлар ва ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишларини ўстириш, билим ҳамда қобилиятларини бойитиш, маданият-маърифат ишларини кенг кўламда олиб боришдир.

Кўрик-танловнинг навбатдаги босқичи ғолиблари Маннон Уйғур номдаги Тошкент Давлат санъат институтининг ўқув театрига беллашгани йилгидилар.

Театр залининг томошабинлар билан тўлиб-тошгани жойларда кўрик-танловнинг ниҳоятда қизиқарли ўтгани ва ғолибликка даъвогарларнинг кўплигидан даракдир. Томошабинлар гўзал

рақслар, дилрабо куй ва кўшиқлар, акробатик уйинлар, шеърхонликларнинг гувоҳи бўлдилар.

Мирзо Улугбек тумани «Гулшан» бадий ҳаваскорлик тўғараги аъзоси Меҳрибону Имомбердиева хушовози, ўз санъати билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳайъат аъзолари томонидан унинг хушовози, мусикаси ва ижро санъати юқори баҳоланиб, биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Иккинчи ўрин Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти хўжалик бўлими ишчиси Ниёзали Ортиқметовга насиб этди. Кутубхона ходими Гулнўза Қодинова «Синчалак», «Жамолинг соғиниб» рақсларини ижро этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Кўрик-танлов бу билан тўхтаб қолмайди, — дейди Тошкент шаҳар маданият ходимлари касабга уюшма кўмитасининг раиси Саид Алимхўжаев. — Мустақиллик байрамига бағишланиб касабга уюшма тармоқ кўмитаси томонидан маданият муассасаларида, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий-профилакторийлар, истироҳат болалари ва бошқа жойларда давом этаверади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг иккинчи босқичи ғолиблари энди учинчи босқичда беллашадилар. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами кунинда якунланади. Кўрик-танловнинг учинчи босқичи ғолиблари 2002 йилнинг март ойида Наврўз байрамига бағишланиб ўтказиладиган Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совринлари учун беллашадилар.

Будур ПўЛАТОВ

Сўранг, жавоб берамиз



Ишим тушиликкача бўлганлиги сабабли боламини боғчага ярим кунга — эрталаб соат 8.30дан 13.00гача беришга мажбурман. Пулини ҳам ярим кунга тўлай десам боғча мудираси бундай тартиб йўқлигини айтди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Гулнора Саъдиева

Болаларни мактабга тайдирлашда ота-оналарга қулайликлар яратиш мақсадида шу йил 31 мартда Республика Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида ноанъанавий мактабга таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш тўғрисида»ги буйруғи чиқди. Унда жумладан болалар боғчаларида қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш юмушлари ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, сиз боғча мудирасига болангизни қисқа муддатли гуруҳга киритилишини сўраб ариза берсангиз унинг овқатланиш меъёрларини қисқартирган ҳолда тўлов пулингизни камайитириб беришади.

Рўзғорбоп майда-чуйда нарсалар сотиш учун маҳаллада кичик савдо нуҳтасини очайтган эдим. Хужжатларнинг ҳаммасини расмийлаштирдим. Туман савдо департаментида «Савдо пулларингизни инкасаторлар машинада ҳар кун олиб кетиши учун банк билан шартнома тузинг», дейишди. «Асака» банкда эса шахсий миждоз сифатида расмийлашиб, ҳар 2-3 кунда ўзингиз пулни олиб келишингиз мумкин дейишяпти. Нима қилишим керак?

Аҳмад Зоиров

Сиз банк билан нақд пулларни инкассация қилиш учун шартнома тузишингиз керак. Зеро, Қонун талаблари шуни тақозо этади.

Тақдир тақозоси билан еттита болани бир ўзим ўстирдим. Улардан бири — 21 ёшли қизим болаликдан ногирон. 25 йил боғчада ишлаганман. Бундан олти йил олдин эса касбимни ўзгарттирдим. Шу йил октябрда пенсияга чиқишим керак. Айтингчи, пенсияга чиқишим учун охириги беш йилдаги иш жойим сифатида тарбиячиликдаги фаолиятим даврини олсам бўладими ёки ҳозирги иш жойим инобатга олинадими?

Пенсияни белгилаш ёки уни қайта ҳисоблаш учун сиз асос сифатида беш йиллик даврдаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани ўз хоҳишингизга қараб олишингиз мумкин. Бунда бутун иш фаолиятингиз давомидеги ҳар қандай лавозимдаги фаолиятингиздан хоҳлаган беш йиллик давр ҳисобга олинаверади.

Расман ажралмасдан ҳомиладор аёли ташлаб қочиб юрган эрга бирорта чора борми? Менинг турмуш ўртоғим икки ойдан бери қорасини ҳам кўрсатмай юрибди...

Зулхумор Ботирова

Сиз эрингиздан алимент ундириш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Жавоблар ҳуқуқшунос Ойбек ИСОҚОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайдирланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

АНЖУМАНЛАР


Ўзбек аёлининг бахт-иқболи

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ўзбек аёлининг бахт-иқболи» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Анжумани Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори, академик Н. Иброҳимов очди. Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф. Абдурахимова «Аёл, оила жамият», шу институтнинг доценти Р. Алимова «Оналар — миллатнинг ҳаёт булоғи, фарзандлар — миллатнинг суяган тоғи», Тошкент Ислам Университетининг маънавият ва маърифат бўйича проректори Р. Обидов «Исламда аёллар ҳуқуқи», шу институт доценти С. Ғаниева «Шарқ мумтоз адабиётини аёллар», ЎзРФА Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими Т. Фаёзиев «Ўзбек хотин-қизлари теуурий аёллар авлодидир», институтининг исломшунослик бўлими мудириси А. Абдусатторов «Ислам ва аёл» мавзусида маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Динара ИСЛОМОВА



Пойтахтнинг осмону-пар бинолари.

ТЕННИС

Илгари хабар берганимиздек

ЭРТАГА ва ИНДИНГА

шаҳримиздаги «Динамо» теннис клуби кортларида Республика «Ҳавас» турнирининг финал баҳслари бўлиб ўтади.

«Ҳавас»да кучлилар беллашади



Юртбошимиз ташаббуслари билан соғлом турмуш тарзини аҳолининг барча қатламлари орасида тadbик этиш мақсадида олтинчи бор ташкил этилаётган «Ҳавас» мусобақаларида Қарақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоага бирлашган 64 уйинчи жуфтликлар ва 48 қатнашчи якка тартибда ўзаро куч синашди.

Ғолиблар 6 май кунини аниқланади. «Ҳавас» турнирининг барча ғолиб ва совриндорлари, энг яхши қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси теннис федерацияси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, Республикамиздаги газеталар томонидан таъсис этилган мукофотлар топширилади.

Дилшоод ИСРОИЛОВ

ФАХР

Муносиб туҳфа

Абу Райҳон Беруний номдаги Тошкент давлат техника университетининг электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, энергетика, кон геологияси, бизнесни бошқарув ва иқтисод муҳандислик факультетлари иктидорли талабаларининг илмий тадқиқот ишларининг теъсислари (қисқа баёнлари) 2 қисмдан иборат тўплам бўлиб нашрдан чиқди. Улардан 30 дан зиёди хорижда ўтказиладиган илмий анжуманларда қатнашишга, тегишли хорижий журналларда чоп этишга тавсия этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ИККИНЧИ ГУЛШАН

Ражапутлар орасида бир баҳодир йигит бор эди. Унинг қаддиқомати Рустам сифат, виқорда юраги тоғ янглиғ, маложатда чиройи бог янглиғ эди. Жанг майдонига юзлаб, ҳатто минглаб рақибини ер билан яқсон қиларди. Ҳозирнинг ширин сўзи ва мутойбалари билан анжуманларни қизитарди. Аммо, у салтанат аҳлига мулозим бўлиб хизмат қилишни ўзига ор деб биларди. Агар ҳар ойда икки лак ҳақ тўласа, у ҳолда хизмат қилишга тайёр эди. Унинг бу янглиғ феъл-атвори барча халойиққа маълум эди.

Бирок, вақт ўтиши билан баҳодирнинг омади кетиб, қашшоқлик ботқоғига йиқилди. Ниҳоят, у тақдирга тан бериб, ўз хизматини тақдирга этиш учун Банғола шохининг саройига йўл олди. Бир неча кун йўл юриб, тунда шох саройига етди. Тартибга кўра кимки шох ҳузурига киришни истаса, ўз мақсадини ҳожибга айтар, ҳожиб эса шохга хабар беради. Бинобарин, ҳожиб баҳодирдан кимлиги, қаердан келгани ва нима ҳолати борлигини сўради. Ҳожибнинг саволига жавоб беради, ҳозирча мен бу ерда меҳмонман, агар душманга қарши жангга киришсам, баайни Рустами соҳибқиронман деди. Менинг арзимни шохингга еткур, фалақнинг гардиши билан бу ерга келдим. Агар ҳар ойда икки лак сийму зар берса, жоним тасаддуқ хизмат қилурман, жанг майдонига эса бошимни тикарман. Баҳодир ушбу сўзларни эъдириб ҳожибга берди. Ҳожиб мактубни шохга берди. Аммо мактуб мазмунидан шох бошлиқ барча арқони давлат баҳодирни ақлдан озган ва ёки манманлик шева-сини изҳор қилган бўлса керак деб маломат қилдилар. Ҳар қандай жонсипорлик билан хизмат қилган тақдирда ҳам бир кишига икки лак зар бермоқлик ақлдан эмас. Икки лак зар билан икки юз кишининг кўнглини олиб, хушвақт этмоқ ҳикматдандир дедилар. Шох ҳожибга буюрди, уни бу даргоҳга киритма, келган жойига кетсин! Ҳожиб бориб ул баҳодирни саройдан қувиб, шаҳардан тезда чиқиб кетишини талаб қилди. Аммо бу можарода шохнинг кизи ҳозир эди. У шох-латофатда беназир, юзидан нур балқир эди. У шохга боқиб эй олампахош шох, барча сарварлар ичра ягона эрдинг. Ҳозир эрдан ҳузурингга меҳмон келсаю сен унга сийму зар инъом қилиш ўрнига даргоҳингдан қувиб ҳайдадинг. Инъом хангомиде икки лак зар заррадекдур. Кимки мусофирнинг ҳолатини чиқарса, унинг номи жаҳонга машҳур бўлмай. Не учун унинг кўнглига озор бериб, гул ўрнига тикан бердинг? Агар мулозим шохга бадҳоқ бўлса, унинг шумлигидан шох даргоҳи қурийдур. Агар улғурларда хайру эҳсон бўлмаса, уларнинг молу мулки, маскани нуқсон ўқига нишон бўлмай, деди.

Шох ўз қизининг сўзларидан газабга келиб, фароғат шарбатини захарга айлантириб, мободро ақлдан озмаднингму, магар мусофирга кўнгул қўймадингму? Агар мусофир сенга манзур бўлса, даргоҳингдан тезда чиқиб кет! Алҳол бошингни танингдан жудо қилурман деди. Бу сўзни эшитган шох кизи ҳайрат бармоғини тишлаб, кўзини ёшлаб, бу мамлакатдан бош олиб чиқиб кетди ва баҳодир кетидан излаб йўлга тушди.

Шох кизи бир неча мuddат йўл юрчак, баҳодир ҳузурига етишди. Баҳодир ўз олдига дуру жавахирлар билан безанган бир пари пайкар турганини кўриб ҳайратга тушиб ва қиздан қаердан келганини ҳамда не мажбурият билан бу ерларга қадам ранжиде қилгани ҳақида сўради. Қиз ўзини Банғола шохининг кизи эканлиги ва баҳодирга тарафқарлик қилиб отасининг газабига учрагани ҳамда бўлиб ўтган барча можароларни бир-бир баён қилиб, ўзини баҳодирга бағишлади. Шундан сўнг ҳар иккиси хотиржам ва хушвақт бўлиб йўлга равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юрдилар, неча-неча манзил-мароҳиларни босиб бир чўлга қадам қўйдилар. Чўл ниҳоясида икки уйғул йўл кўринди. Икки йўлнинг бошланғич оралиғига бир катта тош қўйилиб, унга «Эй йўлдан адашган одам, ундаги йўлдан борсанг манзилга ўн кунда борасан, чап йўлдан борсанг уч кунда етасан. Ундаги йўлдан юрсанг роҳат қиласан, чап йўлда офатлар серобдир. Йўл узасида бир маст фил бўлиб, бир неча одамларни ёстигини қуритган эди. Агар юз ва ё минг киши рўбарў бўлса ҳам фил уларни яқсон қиларди. Тошга битилган хатинг мазмунидан огоҳ бўлган баҳодирнинг жанговарлик ҳисси голиб келиб, ўз-ўзига дедиким; хоҳ филу хоҳ қарқидон бўлсин барибир яқсон қилурман деб таваккал қилиб ақин йўлдан юришга жазм қилди. Баҳодир жангчи сурьат билан йўл юрарди. Ногоҳ узоқдан маст филнинг қораси кўринди, гўёки бир кўча тоғдек шитоб билан келарди. Унинг ҳайбати жонга қасд айлаган балодек эди. Бу валоий ногоҳонийни кўрган баҳодир жангчи юришдан тўхтаб жангга ҳозирланди. Фил баҳодирга яқинлашиб ҳартумини чўзди. Баҳодир филнинг ҳартумидан ушлаб, баланд овоз билан даст кўтариб, боши узра айлантириб ерга урди, фил дарҳол жон таслим қилди. Дебдурларки бундай тиссоллар Хиндистонда машҳурдир. Чунони баъзи кўхпайкар филларнинг пешонасида икки гавҳар бўларкан. Бу гавҳарлар гўё зим-зиё тунни шамдек ёритиб, султонлар базмоғини гулсиз гулшанга айлантираркан. Баҳодир филнинг пешонасидаги гавҳарни қўлга олиб, суманбар севиқлиси билан яна йўлга равона бўлди. Улар кўп юриб ниҳоят Лоҳур шаҳрига етиб келиб, у ерда бир ерни ўзларига маскан қилиб, айш-ишратда бир йилни ўтқардилар. Бу ерда улар бир фарзандлик бўлдилар. Ҳали исмини Баҳром деб атадилар. Ҳалини хатна тўйини ўтқазмоқ учун мазкур гавҳардан бирини сотмоқ учун бозорга борди. Бозордаги савдогарлар баҳодир қўлидаги гавҳарни олиб тамошо қилардилар. Ниҳоят, бозорга Лоҳур шаҳрининг вазири кириб келди ва гавҳарни қўлга олиб кўриб, бағоят шод бўлди ва ададсиз сийму зар бериб, гавҳарни олиб бориб шохнинг олдига қўйди. Шох гавҳарни кўриб ҳайратга тушиб, бу гавҳарни қайси савдогардан сотиб олдинг деб сўради. Вазир бу гавҳарни бир бечора ғариби бенаводан олдим деб жавоб берди.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор)

Жонингизга жон бўлай, жонга дармоним отам, Камтарин пиру бадавлат жисмаро

жоним отам.

Шу каби қўшиқларни эшитганимда уйланиб қоламан. Ҳўш, биз ота-она олдидеги қарзимизни қандай узяпмиз? Кўндалик ишлар, оила ташвишларидан ортиб, ўз вақтида ота-онани ҳолидан ҳабар олапмизми? Уларга бир оғиз ширин сўз айтиб, қўлларига бир пилла иссиқ чой тутапмизми? Уза юртларга дам олиш ёки хизмат сафарига бориб, қайтишимизда аёлимизга, ҳатто бир ёшга тўлиб улгурмаган боламизгача совға харид қилаётганимизда савфадан эсон-омон қайтишимизни кутиб, «тик» этса ашиқ пойлаб ўтирган волидами муҳтарамамизга одмигина рўмон, падали бузрукворимизга эса лоақал битта дўппи олишни унутмадикми?

Қаранг, анави отаси ёки инсоннинг тобути олдига бўзлаб бораётган онани марҳумлар ҳаётлида уларнинг истакларини бажо келтириб, ҳурматларини жойига қўлиб, фарзандлик бурчини адо эта олдимики? Саволлар кетидан саволлар қўйилиб келаверади. Ҳаётингда кўрган-кечирганларини уйлаб, бу хусусда кимларгадир ҳавас қиласан, кимлардангир ранжийсан. Лекин бир нарсага тан бермай олинон йўқ. Барбир яхшилар кўп дунёда. Шундайлар сирасига шахримизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган 4-Қўрғонча кўчасининг 31-уйида истикомат қилувчи Қосимовлар оиласида камол топган фарзанди қобиларни киритиши мумкин. Буни бутун маҳалладошлар, кўни-қўшиллар, Фатхулла Назруллаев, Абдусамат Ақромов сингари ёши улуг ота-хонлар ҳам тасдиқлайди.

Оиланинг энг кенжаси Рўфатжон билан бир пилла чой устиде сўхбатимиз қизди.

— Оилада уч ўғил ва бир қизимиз, — дейди у бизга. — Акаларим Шавкат, Рустам, синглим Барнохонларнинг ҳаммаси оилани, олий маълумотли мутахассислар. Раҳматли отамиз (жойлари жаннатда бўлсин) биз, фарзандларининг ўқимишли бўлишимизни жуда-жуда орзу қилганлар. Биз ҳам уларнинг истакларини амалга ошириш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик. Ҳозир ҳаммамиз турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, эл қорига яраб юртимизга хизмат кўрсатаймиз.

Асли тағи зоти Баландмачитлик бўлган Абдуманнон ака ўқимишли, заҳматкаш инсон эди. У умр бўйи ҳалол ишлаб, ҳамшаҳарларимизнинг оғирини енгил қилишда камарбастилик қилди. Зукко, сўзамол отахон аёллари Мухаббат опа билан узоқ йиллар аҳулиқда умр кечириб оилада ўсаётган фарзандларини ўзлари каби фидоий, ўзгаларга нисбатан меҳр-оқибатли, ҳалол ва меҳнаткаш қилиб тарбияладилар.

Отахоннинг ҳаёт йўли ўзи каби оддий. Болалик йиллари оғирчилик билан ўтди. Мактаб, ўқиб, кейин ўнчинчи сифини тутатган Тошкент тиббиёт техникумига ўқишга кирди. 1939 йилда ўрта махсус билимга эга бўлган Абдуманнон ака ўз соҳаси бўйича ишлады. Ҳам ишлаб, ҳам олий билим юртида тахсил олишни дилига хо қилди. Афсуски уруш тўфайли ушбу орзу амалга ошмай қолди. У урушнинг биринчи кўнлариданок кўплар қатори фронтга жўнади.

1942 йилдан то 1946 йилгача армия сафида хизмат қилиб, Москвадан Берлингача бўлган узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу айтишгагина осон, лекин бу йўлнинг ҳар бир қадами ўт-олов ичида босилди. Тепангда, ён атрофинда бало-қазодо кечиб турган ўқлар ёлғирини ҳар дақиқада умр деб аталмиш ҳаётингга нуқта қўйишини ҳис этиб туришининг ўзи бир даҳшат. Олга силжишга мажбурлан...

Маннон ака фронтдан қайтган, дастлаб ўзининг сеvimли қасбини давом эттирди. Орадан йиллар ўтиб тақдир тақозоси билан қасбини ўзгартиришга тўғри келди. Олдин савдо, кейин газ соҳасида фаолият кўрсатди.

Рўфат Қосимов ҳикояси:

— Отамиз меҳнат таътилига чиққанларидан кейин ҳам уйда тиниб-тинич ўтирмадилар. Хали маҳалла юмушлари, хали таниш-билиш, кўни-қўшиллар ташвиши билан банд эдилар. Хуллас, деярли бўш вақтлари бўлмасди.

Эсимда, 1999 йилнинг баҳори эди. Кўчадан кеч қайтдилар. Хавотирлиниб ўтирган бўлсак-да, руҳиятлари йўқлигини сезиб ҳеч биримиз салом-алиқдан бўлак сўз айтишга журъат этмадик. Даврага ўтириб, нафасларини ростлаб олгач, ўзлари сўз бошладилар.

— Ҳўп яхши замонлар бўлди-да, ахир бундай дорилонмон кўнлар келишини қанча-қанча инсонлар орзакчиб кутган эди. Кимлар етди бу кўнларга, кимлар етмади. Президентимизга раҳмат. Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шахримиз марказида бунёд этилган Хотира майдонини зиёрат қилиб келяпман. Халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган, миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган бу жой ҳақиқий зиёратгоҳга айланди.

Урушда қўрбон бўлганлар Хотира дафтари бирма бир варақлар туриб, бир неча таниш номларни учратдим. Чамалаб кўрсам у бечораларнинг ҳаммаси авжи қирчиллама даврида оламдан ўтибди-я. Умири эрта хазон бўлган бу гуноҳсиз бандаларнинг тақдирини уйлаб, қўзларимга ёш келди. Ўтганлар руҳига тиловат қилдим.

Отамиз биров сукот сақлаб жим қолдилар. Ҳаммамиз жим. Бугун жисмишимиз қулқоқ айланган.

— Қани, бошларим, менга айтинларчи, — дедилар у кили ниҳоят, — инсоннинг яшашдан мақсади нима?

Ушбу саволга жавобимизни кутмай ўзлари гапир кетдилар:

— Яшашдан мақсад инсонларга фақат яхшилик қилиш. Бир донишманд: «Агар бировга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма» деган экан. Сиз ҳам умр йўлингизда мана шу хикматга амал қилинг.

Яна бир нарса сира эсимдан чиқмайди. Мустақиллигимизнинг тўртинчи йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан отамизга «Жасорат» медалли, ундан бир йил кейин ўтиб эса «1941-45 йилларда урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» медалли топширилди. Ушунда уларнинг қўнганларини айтинг. «Мана кўрдиларингми, — дер эдилар отамиз ҳар иккала медални бизга кўз-кўз қилиб, — ҳеч нарса беиз кетмайди. Қилган меҳнатинг, йиллар ўтсада унутилмайди».

Рўфатжоннинг 1979 йилда Киев шаҳрида хизмат бурчини адо этиб юрганида ота-ониси уни кўргани боргани ҳақидаги ҳикояси ҳам анча таъсирли.

— Дастлаб қўзларимга ишонмадим. Наҳот дадам билан онам шунча узоқ йўл босиб мени кўргани келишса, — дейман ўзимга ўзим. Йўқ, кўраётганим сароб эмас, ҳақиқат эди. Ҳозирнинг тутиб туролмадим. Ота-она кучоғига отилдим. Уша кунги воқеани тасвирлашга тилим ожиз.

Отам билан онам бир ҳафта меҳмон бўлишди. Айтилмаган гаплар, умидбахш сўзлар қолмади. Охири улар оқ фотиха билан мени худогоа топшириб,

жўнаб кетишди. Улар қай аҳволда қайтишди билмадим, лекин мен уч-тўрт кун улабламидим. Ётсам ҳам, турсам ҳам уларнинг сиймоси кўз ўнгимда тураверди. Ҳар қадамда отам билан онамининг хайрлашу чоғида айтган «Ўғлим, сендан умидимиз катта, сен ҳам бизни юзимизни ерга қаратмагин», деган сўзлари қулқоқларим остида жаранглайверди.

Ота-она дуосини олган фарзанд ҳаммиса эл эътиборида бўлади. Бунинг яқол намунасини мана шу оила мисолида кўриш мумкин. Оиланинг тўнғич ўғли Шавкатжон, ўртанчаси Рустамжон, яққо ягона қиз Барнохон унинг турмуш йўлдоши Фатхуллохон ана шундай ҳурматга сазовор бўлган инсонлар. Келинлар — Адиба, Шоҳида, Дилфўзаконлар эса аллақачонлар катта оиланинг ҳақиқий фарзандларига айланб кетишган, қайнота ва қайнонанинг меҳрини қозониб улгурган.

Оила аъзолари 2000 йилнинг 5 июнь кунини сира унутмаймади. Шу кун бемор ота ҳузурига уларнинг барчаси жам бўлишди. Ҳамма оғир сукунатда. Ёлғиз Абдуманнон ота сўзлады. У оғох оғир, гоҳ жиддий қиёфада нурийдиларни билан бирма-бир рози-ризоллик тилашди. Фарзандларининг таскин берувчи сўзларини эшитиб, «Ҳар қалай бандамиз-да, болаларим. Бир-биримиздан рози бўлиб қўйсақ ёмон бўлмайди», дейди зурма-зурки жилмайиб. Кейин умр йўлдоши Мухаббат онага юзланди: «Яхши-ёмон гапирган бўлсам, сен ҳам мени кечир, онаси». Мухаббат она узоқ йиллик қадрдонининг меҳрли боқиб айтган сўзларига чидаб туролмади. Қўзларига ёш олиб астагина нариги хонага чимқокчи бўлди.

— Менга қара, — деди Маннон ота аёлини тўхта-тиб. — Битта аччиқ чой дамлагин, сенинг қўлингдан болалар билан миркиб бир чой ичайлик.

Бу сўздан келинлар ҳаракатга тушиб қолди. Бирок ота «Керак эмас, бу сафар чойни онангнининг ўзи дамласин» маъносиде уларга қараш қилди. Онахон чой дамлашга шошилди. Афсуски, у минг умид билан дамлаётган чой Маннон отага насиб этмади.

— Отажон, бизни ташлаб кетманг, — деган аламли овоздан онаизор титраб-қақшаб бемор ётган хонага югуриб кирди. Дил тўрида асраб юрган сўзини шоша-пиша айтди: «Отаси, биз ҳам сиздан мингдан минг розимиз».

Кўп ўтмай хонадон одамлар билан тўлди. Кўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар, Маннон отанинг дўстлари — Фатхулла, Абдусамат, Ёқубжон, Олимжон, Одиложон, Азимжон, Қурбон ота ва Равшан акалар, маҳалла оқсоқоли Акбар ака бошчилигида марҳумнинг тепасида беш эгиз туришарди...

Соғинсам отахоним, изайлин қаерлардан, Соғинсам нур жаҳоним, изайлин қаерлардан.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

СУРАТДА: Маннон ота ва Мухаббат аялар тўнғич эваралари Саидмасруҳон билан. (Сурат 2000 йилнинг 31 январда олинган.)

ХОТИРА УЙҒОНСА ҒЎЗАЛДИР...

Жонга дармоним отам



Шарқ дурдоналари



● Ваъдага вафо қилиш — инсонлик фазилати. Қўлдан келмаган ишга ваъда бериш яхши хислатлардан саналмайди.

Бировга ваъда бергил уддасидан гар чиқар бўлсанг, Вале қилмай вафо аҳдинга, бўлма юз қаролардин.

● Хар кимни дўст ҳисоблаб, яширин сирни айтиш ақли кишининг ишти эмасдир.

Бўлмагил хар кимга жонинг бирла йўлдош, ўзгадур, Айтмагил хар кимсага сирингни, сирдош ўзгадур.

● Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Хар кишида бўлса эрликдан нишон, Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.

● Беш нарса ақли одам хислати: қўлдан кетган нарсага ачинмаслик, меҳнатдан қўрқмаслик, мағрур бўлмаслик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нарсага қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

Оқил эрсанг сабр айлаб хар замон, Қилма синган ҳам тўқилганга фиғон.

● Олти нарса роҳатда яшашга ёрдам беради: ишчанлик, ҳақиқий дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақлу фаросат.

Хоҳлаганким эл сани яхши кўрар, Бўлмасин хар кимга бадгў, бад назар.

● Етти нарса жоҳилларнинг одати: хар нарсага аччиқланиш, синалмаган одамга ишониш, дўст-душманни ажрата билмаслик, сирини хар кимга айтиш, аксиз, нодон одамларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, бефойда сўзларни кўп сўзлаш ва лойиқ бўлмаган одамларга ёрдамлаши.

Хар кишидан халқ бўлса норизо, Ул бўлур юз минг балаго мубтало.

● Саккиз хислат олижаноб одамларда топилади: афв, тавозе, шафқат, қўли очиклик, очиқ юзли бўлиш, ҳаё, номус ва муруват.

Хар кишининг бор эса яхши сўзи, Орттирар обрўсин албатта ўзи.

● Кишилардаги тўққиз иллатдан ҳамма нафрат қилади: жоҳиллик, ялқовлик, ҳасад, такаббурлик, хиёнат, тамағирлик, ғазаб, иғвогарлик ва мунофиқлик.

Ким тама қилса, ўзин хор айлағай, Хорликдан ўзни бемор айлағай.

● Ўн хислатни қўлдан бермаслик лозим: тўғрилик, инсоф, мулоимлик, олим ва фозиллар билан суҳбат, қарияларга ҳурмат, кичикларга шафқат, қаноатли бўлиш, вафдорлик, ифбат ва адолат.

Қариларнинг хизматига боғла бел, Кўрсанг ўзингдан кичикни раҳм қил.

● Афлотундан сўрадилар: — Қандай одамни кучли, қандай одамни кучсиз, деб айта оламиз?

Афлотун жавоб берди:

— Аччиқланган чоғида ўзини тута билган одам — кучли, айтмаслиги керак бўлган ўзини айтишдан тилини тия олмаган одам кучсиз саналади.

● Бир одам:

— Мен буюк бир шаҳар ахлидандирман, деб мактанди. Арасту айтди:

— Бунинг аҳамияти йўқ, аммо сен буюк шаҳар одами бўлишга лойиқмисан ёки йўқми, ана шу аҳамиятга моликдир.

● Арастудан сўрадилар:

— Одам билан қандай муомала қилишимиз керак? Арасту шундай маслаҳат берди:

— Одамларнинг ўзингизга қандай муомала қилишларини истасангиз, уларга шундай муомала қилингиз.

● Арастудан сўрадилар:

— Нега кўп одам йигитлик чоғида ҳавасга, кайф-сафого мойил бўлади?

У шундай жавоб айлади:

— Йигит икки қувватдан бирининг — ақли ёки нафсининг таъсири остида бўлади. Агар ақли ғолиб бўлиб, йигит унинг таъсири остида бўлса, нажот топади. Нафсга эргашган йигит фалокат ва ҳалокатга учрайди.

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Ҳафсала керак озгина

Россиянинг «БИОЛИТ» маркази олими Сергей Яковлев тишни тозалашдан кейин тил ва оғиз деворларини ҳам тозалаб ювиш кераклигини уқтирмади. Уни амалга ошириш ўнчалик қийин иш эмас. Бир пиёла иссиқ сувга бир чой қошиғида ош содаси солиб, аралаштирасиз. Сода сувга сингиб кетган, озгингизни чайқайсиз. Тил қип-қизил ҳолатга келиб қолади. Бу, тилиннг тозаланиши билдиради. Шундай қилиб юрсангиз, озгина ҳафсала қилсангиз еган овқатингиз мазали, саломатлигингиз мустаҳкам бўлади.

Муҳаббатсиз яшаманг...

Америка олимлари инсон дилига хуш кайфият бағишлайдиган нарса ни аниқладилар. Уларнинг фикрича, муҳаббатсиз яшаш аёлларда 75 фоиз, эркекларда 25 фоиз меҳнат фаолиятини сустлаштиради. Шундай ҳолларда асабларнинг таранглашиши 60 фоиздан 100 фоизгача бориши мумкин. Муҳаббатсиз кун кўришги яна бошқа бир қанча дардларга мубтало қиларкан.

Шунинг учун олимлар қўйдиғиларни аниқлаб беришди: эр-хотин хар бир муҳаббат учрашувидан кейин ўзини яхши ҳис қилади, қон айланиши яхшиланади, бош оғриғи йўқолади, асаблар ўз холига келади. Психологларнинг гапига қараганда, танада бошқа касалликларни қабул қилмайдиған химюя воситаси пайдо бўлар экан. Эркалаш ва эркаланмишлар ҳам одам организми учун шифобахш хузур-ҳаловат бағишларкан. Босим камийиб, енгил нафас олишга ўтаркансиз. Эркаларнинг тонги муҳаббати уларнинг иш фаолиятини юз чандон ошириб юборади. Эр-хотиннинг сочларига ҳам муҳаббатнинг фойдаси кўп. Соч силлик ва бакувват бўлиб ўсади. Чин муҳаббат оилани барқарор қилади, фарзандларнинг камолини кўради. Ҳеч қачон муҳаббатсиз яшаманг, ҳатто кексаёйиб қолганингизда ҳам.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Азиз оқшомхон! Қуйида таърифланган сўзларни шаклга ёйлар бўйича «зажир» ҳолида ёзинг.

1.Музыка 2.Елгоннинг акси. 3.Автомобилимиз русуми. 4.Муқаддас дарғоқ. 5.Араблардан бошқа шарқ халқларига берилган ном. 6. Сув ҳолатларидан бири. 7.Ток танази қисми. 8.«Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони. 9.Муҷал ҳисоби бўйича давом таётган йил. 10.Музыка ёзуви. 11.Вақт ўлчоми бирлиги. 12.Бокс майдони. 13.Тебраниш частотасининг ўлчов бирлиги. 14.АҚШда майда пул. 15.Зирли ҳарбий техника. 16.Амир Темур ҳикматидан: «Бирликсиз... бўлмас. 17.Фарғона водийсидаги ҳунармандчилик ривож топган шаҳар. 18.Тигли, дурадгорлик асбоби. 19.Саратон ва Сунбула оралиғидаги бурж. 20.«Граф Монте Кристо» тарихий романи муаллифи. 21.Абулқосим Фирдавсий таърифига «Худо берганларин...султони». 22.Барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона номери. 23.Яман Араб Республикаси пойтахтига номдош шифобахш ўсимлик. 24.Европа давлати пойтахти. 25.Кўманчи чорвадорлар манзили. 26.Тола олиндиған экин. 27.Дарахт аъзоси. 28.Давлат рамзи. 29.Кавказ ҳудудидаги давлат

пойтахти. 30.Радиоактив модда. 31.Араб алифбосидаги харф. 32.Уйиб ёки буюк билан ишланган безак. 33.Сувсевар экин. 34.Бадий ёки илмий асар яратми жараёни. 35.Электрон лампа. 36.Инжу, гавхарнинг йирик тури. 37.Томонлари тенг, бурчаклари тенг бўлмаган тўртбурчак. 38.Табобатда ишлатилдиған кимевий модда. 39.Муסיқа асари тури. 40.Ғўза гунчаси. 41.Қадимий пойтахтдаги қаср. 42.Ҳамд-ўстликдаги давлат пойтахти. 43.Тожикистондаги дарёга номдош водий. 44.Муассаса, ташкилотлардаги шахсий таркиб рўйхати. 45.Байрам ширинлиги.


Муаммонано

Очқик сўзлар: 1.Халқ томонидан тўқилган авлоддан авлодга ўтиб келадиган оғзаки ҳикоя, ривоят — 3,7,6,4.

2.«Чархалак» фильми қаҳрамони — 1,5,2,7,2.

Энди шакл марказидаги рақамларни очқик жавоблардаги мос харфлар билан алмаштириб муаммонано ҳал этинг. Ундан Луқмони ҳакимнинг азиз фарзандига ёки қолдирган юз насаҳатидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



ГАЗЕТАНИНГ 27 АПРЕЛЬ СЕНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Диагональ бўйича: 1.Гладиолус. 2.«Алпомиш». 3.Дарслик. 4.Қалдирғоч. 5.Шоира. 6.Истат. 7.Низомий. 8.Нилуфар. 9.Мичиган. 10.Қаҳрамо. 11.Гелиоскоп. 12.Арабистон. 13.Дастгоҳ. 14.Писта. 15.Обнус. 16.Обжувоз.

Муаммонано

Очқик сўзлар: 1.Диёр. 2.Баҳо. 3.Шамс. 4.Қўл.

Ибротли сўзлар:

Бўлар одам ёшида бош бўлар, Бўлмас одам киркида ҳам ёш бўлар.

МАСЛАҲАТ

Заргарлик буюмларини асраш

Безак буюмлар, тилла тақинчоқларни асраш учун аввало уларни етганда юмшоқ, қуруқ мато билан яхшилаб артилмоғи керак. Турли хўжалик ва рўзгор юмушлари билан шуғулланаётганда безак буюмлари, тақинчоқлар шикастланмаслиги учун уларни ечиб қўйиш лозим. Айниқса, ҳалланган заргарлик буюмлари ташқи таъсиридан тез шикастланади. Косметика билан шуғулланаётганда (пардоз вақтида) айниқса, симоб ва олтингургут тузлари ишлатилган кремлардан фойдаланаётганда эҳтиёт бўлиш лозим. Аке ҳолда улар заргарлик буюмларида доғ ҳосил қилади. Йод ҳам олтин ва қумушда доғ ҳосил қилади. Заргарлик буюмларини қуруқ хонада қўтираларда сақлаш керак.

Заргарлик буюмлари хиралашса, юмшоқ тиш чўтка билан ярим стақан сувга 1 чой қошиқ новшадани спирти солинган эритмада ювиш зарур. Кейин тоза илқ сувга чайилади ва қуруқ мато билан яхшилаб артилади. Шунда тақинчоқлар ялтираб, янгидек бўлади.

Ҳалланган буюмларни тозалашда чўтка ишлатилмагани маъқул қилилади. Гавхар, Феруза, малахит, қаҳрабо намни ёқтирмайди, уларни сув, умуман намдан сақлаш лозим.

ГУЛОРОМ тайёрлаган.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Машина олиб берайликми, ёки уйлантириб қўяйликми, ўғлим?

— Яхшиси машинаси бор қизга уйлантириб қўя қолинглар.



— Болам, бунинг қилосини неча пулдан олдинг?

Абдурашул Ҳакимов чизган расмлар.

Бир шингил табассум

— Ваннага чипта неча пул туради?
— Икки юз сўм.
— Мана сизга юз сўм, бизга ваннанинг армичага сув бўлса ҳам қийфоя.

— Сизга уна суриб қўйишим?
— Бу ҳам сөн олдиришинг баҳосига қирадимми?

— Ҳа.
— Ундай бўлса менга унани ўраб бера қолинг, хотинимга олиб бораман.

— Сенда эгизакларнинг сурати борми?

— Мана!
— Ахар бу ерда битмаси ҳоло-ку!
— Шу етарли. Иккинчи ҳам худди шунинг ўзинаси.

— Менинг хизматкорим қандимдан тез-тез ўнгалар туради, шекалли.

— Меники бўлса ўнгаларга келсам бунинг уйдасидан чиқа олмайдим.

— Нега?
— Чунки мен қандонда доим пашша қамаб қўяман, у йўқ бўлса, қандон очилгани маълум бўлади-қолади.

Дилдора СОДИКОВА

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босян таёқ оғет узков
босилса: Қотэ бегони А-3

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 209

Газета Ҳабсатини Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатта олинам

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифланиди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровиса. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.